



СССР ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 205 (19.876).


1987 йил 6 сентябрь, якшанба

Баҳоси 3 тийин.



ЎЗБЕКИСТОНДА СССР—ҲИНДИСТОН ФЕСТИВАЛИ

УТСАВ ҚУВОНЧ ВА ТАБАССУМ УЛАШМОҚДА



СУРАТДА: Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги майдонда Ҳиндистон фестивали тантаналари.

ЁШЛАР МИТИНГИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтда 4 сентябрь кунини кўп кишилиқ Совет — Ҳиндистон дўстлиги митинги бўлди. Митинг СССРда Ҳиндистон фестивалининг ёшлар программаси доирасида ўтказилди. Унда Ҳиндистондан келган меҳмонлар, совет педагоглари ва студентлари иштирок этдилар.

Ҳиндистон ёшлар ва спорт ишлари давлат департаментининг вакили Д. Манавалан митингга сўзга чиқиб, иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама дўстона муносабатлар йил сайини ривожлантирилганлигини мамнуният билан таъкидлади. Ҳозирги фестивал бунинг ёрқин далилидир. Сўзга чиққан кишилар ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга интилаётганликларини ҳақида гапирдилар. Ҳиндистондан келган студент-

ларга Ўзбекистон олий ўқув юр்தларида қандай таълим берилаётганлиги, интернационал дўстлик клубларининг иши ҳақида сўзлаб бердилар.

Митинг қатнашчилари қабул қилинган резолюцияда иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни бундан буён янада мустаҳкамлаш ниятларини изҳор қилдилар. Совет — Ҳиндистон дўстлиги митинглари В. И. Ленин номида Тошкент давлат университетида, Тошкент давлат медицина институтидида ҳам бўлиб ўтди.

«САНГАМ» — ДЎСТАЛИК ДЕМАК

Тошкент марказида қурилаётган «Сангам» ҳинд миллий таомлари кафесида сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

Мармар ва бетондан қурилган икки қаватли бинода 60 ва 30 ўринли иккита

зал, очиқ айвон ва бар жойлашган.

Бу объектни Тошкент шаҳар иқроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг ходимлари ўз кучлари билан бунёд этдилар. Кафе гўят жадал суръатда — атиги икки ой ичида қурилди. Умумий овқатланиш хизмати ремонт қилиш бошқармасидан Р. Қурбонов ва У. Магомедов бошлиқ бригадалар айниқса яхши меҳнат қилди.

Янги кафедра Тошкент ресторанининг энг яхши ошпазлари ишлашади. Улар СССРда Ҳиндистон фестивали бошланган пайтда ҳинд таомларини тайёрлашни ўрганиш учун атайлаб Москвага бордилар. «Сангам» кафесида бутунлай ҳинд таомлари тайёрланади. Тошкентликлар ва шаҳар меҳмонлари 6 сентябрда, «Сангам» кафеси очилган кунда ошпазларнинг маҳоратига баҳо берадилар.

5 сентябрь кунини Тошкент шаҳар иқроия комитети СССРда Ҳиндистон фестивали қатнашчилари шарафига қабул маросими ўтказди.

Шаҳар иқроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсайдов дўст мамлакатдан келган меҳмонларни самимий табриқлади, Ўзбекистон пойтахти аҳолиси ва меҳмонларига тўғра этган ажойиб «Утсав» байрами учун уларга қизгин миннатдорчилик билдирди. Ҳиндистон фестивалининг Ўзбекистон дивердида ўтказилиши икки

буюк давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда яна бир ёрқин босқич бўлганлигини айтди.

Карнатака штатининг ахборот ва маданият министри М. П. Пракаш фестивал қатнашчилари номидан сўзга чиқди. У Ҳиндистоннинг СССРдаги фестивали — катта халқаро аҳамиятга эга бўлиб, тинчлик, тараққиёт ишига хизмат қилади ва ҳинд халқининг маданий мероси билан яқиндан танишиш имконини беради, деди. У гўят хушнудлик билан кутиб олганликларини учун Ўзбекистонлик дўстларга миннатдорчилик изҳор қилди.

СССР маданият министри В. Г. Захаров бош дизайнер — расм ва постановка группасининг директори Дашрат Пател санъат байрамини ўтказишга катта ҳисса қўшганлигини айтди ва унга фестивал ташкилот комитетининг фахрий ёрлигини топширди.

Қабул сўнида Ўзбекистон санъат усталари концерт бердилар.

Гўзаллик оламига саёҳат

5 сентябрь кунини республиканинг антик зарғарлик буюмлари фонднинг тўққизта залида Ҳиндистонлик моҳир усталар XVIII асрда тайёрлаган мой билан ёнайдиган чироқ тантанали таърифта ёрилди. Шу тариқа фестивал доирасида ўтказилган ҳинд классик манзарали ва зарғарлик санъати ташкилотининг очилди.

Бу ерда халқ гўзаллигини назорат ва чуқур тушунадиган мамлакат энг яхши ҳунармандлари ясаган ноб буюмлар, ноб экспонатлар қўйилган. Ҳиндистоннинг ҳамма томонларида кумушдан гўят юзлик безаклар тайёрлайдиган усталар бор. Кумуш нақшли қуроллар кишини ҳайратга солади. Бундай ажойиб қуроллар ва турли-туман қўтичалар ўтган асрлардаги ҳунармандчилик санъати намуналаридир.

Заллардан бирида энг қадимий санъат — ўймакорлик санъати намуналари намойиш қилинмоқда. Эрамингача бўлган учинчи асрдаги ўйларнинг деворларини безаш учун манзарали ёгон тахталар тайёрланган. Ҳиндистонда қадим қадимлардан қора ёгон сандал, қайин, тик дарахтларидан кенг фойдаланилган. Мамлакатнинг жанубида қасрлар қуриш соҳасидаги меъморчиликда ёгон бадий ишлов бериш усулидан фойдаланганлар. Шуни кенг фил суғитдан ўймакорлик санъати билан тайёрланган буюмлар машҳур бўлган. Бу борада Ҳиндистонлик моҳир усталар мисли қўрилмаган юксакликка эришганлар. Мана шу ноб санъат отадан фарзанда авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Ҳинд газламалари тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. Улар ҳақида ривоятлар тўқилган. Масалан, даққалик тўқувчилар гўят нафис ва чиройли муслин газламаси билан бутун дунёга машҳурдилар. Бу газламанинг толаси жуда назорат бўлиб, ўзи эса шунчалик ҳарирки, бир неча метри бир сиккига жо бўлади.

Виставкага парчадан тикилган тўн ва қўйлардан қўйилган. Бу кийимлар муғул мактаби усулида тайёрланган. Улар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, Ҳиндистоннинг тўқимачилик санъатида муайян ўринни эгаллайди.

Ҳиндистон минг йиллар давомида қўпгина мамлакатлар ва халқлар таъсирда бўлди. Бу эса ҳинд миллий анъаналарига ўз таъсирини ўтказди. Йигирманчи аср ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шунга қарамай, мамлакатдаги қўпгина ҳунармандчилик бундан минг йил муқаддам қандай бўлса шундайлигича ўзгармай қолмоқда. Тошкентдаги виставка мана шулар ҳақида ёрқин тасаввур беради.

(ЎзТАГ).



СУРАТЛАРДА: (чапдан): 1. Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи, мамлакат энергетика министри Васант Сатхе. 2. Гуҷарат штатидан келган

артистлар саҳнада. 3. Фестивал очилишига бағишланган тантаналарнинг бош хореографи Чандра Лека. 4. Ҳинд артистлари Чиман Лал, Ар-

жан Дасс, Гурмит Бава, Тарсем Синглар Тошкент консерваторияси қошидаги халқ чолғу музыка асбоблари лабо-

раториясининг устаси Сирожиддин Муҳиддинов билан. С. Величкин ва Ф. Қурбонбев (ЎзТАГ) фотолари.



ҚЎШИМЧА ПЕНСИЯНИ ИХТИЁРИЙ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС меҳнатчиларининг пенсия таъминотини оширишга муҳим социал-иқтисодий аҳамият бериб, «Ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар учун қўшимча пенсияни ихтиёрий страховани қилишни жорий этиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда 1988 йил 1 январдан бошлаб ихтиёрий шахсий страхованининг янги тури — ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар (страховани қилиувчилар) учун қўшимча пенсия страхованис жорий қилиш кўзда тутилди. Страховани қилиувчиларнинг шахсий вазослари ва СССР Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан тенг улушларда ҳосил бўладиган страховани фонди қўшимча пен-

сия тўлаш учун мабла бўлади. Страховани қилиувчи тўланадиган қўшимча пенсия миқдори — ихтиёрий страховани шартномасига мувофиқ ойига 10, 20, 30, 40 ва 50 сўм миқдориди. Шу қарорда қўшимча пенсияни ихтиёрий страховани қилишнинг асосий шартлари тасдиқланди. Шу шартларга бinoан қўшимча пенсияни ихтиёрий страховани қилиш шартномаларини эркин рақабатда 60 ёшгача ва аёللар 30 ёшдан 55 ёшгача тузишлари мумкин. Шартнома амал қилиб турган даврада страховани қилиувчи қўшимча пенсия ҳажминини кўпайтиришни ёни камайтиришни мумкин. Шу пенсиянинг умумий ҳажми ойига 50 сўмдан ошшини мумкин эмас. Страховани

вазослари страховани қилиувчининг ёшига, страховани мuddатига ва қўшимча пенсия ҳажмига қараб белгиланади. Страховани вазослари олдига ҳақини қилиувчининг иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан бутун страховани мuddати мобайнида ой сайин тўлаб борилиши лозим.

АКТИВ ЙИГИЛИШИ

НУКУС. 5 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун Қорақалпоғистон АССР партия-хўжалиқ активининг йиғилиши бўлди. СССР Олий Совети Президиумининг социалистик мулкнинг сақланишини таъминлаш ва халқ мулкчилиги тежаж руҳида тарбиялаш юзасидан қабул қилган қарори талаблари асосидagi тадбирлар муҳокама қилинди.

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР ҲАРОРАТИ

5 сентябрь кунини Ҳиндистон фестивали делегацияси аъзоларининг чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти активлари билан учрашуви гўят самимий ва зиялига ўтди. Қадрдон дўстлар учрашуви мана шундай қизгин ва самимий бўлади. Учрашув қатнашчилари ўз хотираларини иккидун режаларини ўртоқлашдилар. Ҳиндиюнос олим, «СССР—Ҳиндистон» дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлимининг вице-президенти С. Азимжоновнинг 1980 йилда Жаваҳарлал Неру билан бир неча марта учрашганлиги тўғрисидаги ҳикояси зўр қизиқтириш уюғотди. Ушунда атоқли снэст арбоби ва улкан олим бўлган Ж. Неру Ўзбекистон ССР Фаранг академияси Шарқшунослик институтида бўлиб, институт амалга ошираётган ишлар-

дан қойил қолганлигини айтган эди. СССР халқ артисти З. Муҳаммадзонов иккита совет-хинд бадий фильми — «Али бобо ва қирқ қароқчи» ҳамда «Севги афсонаси» фильмларини суратга олишда иштирок этганлиги тўғрисида гапириб берди. Ҳамма номли Давлат академик драма театри ҳинд адабиёти асарларини бир неча бор театр сахнасида Рабиндранат Тагорнинг «Халокат» романи асосида тайёрланган «Ганг дарёсини қиз» пьесаси, Калидаснинг «Шакунтала» пьесаси муваффақиятли сахналаштирилди. Театр «Ганг дарёсини қиз» пьесаси учун Жаваҳарлал Неру номидаги мукофотга сазовор бўлди.

Биз Ўзбекистон дивердида бўлган дастлабки кунларда ўзаро меҳр-муҳаббат ва дўстлик туйғуларини ҳис этдик, — деди Карнатака штати ахборот ва маданият министри М. П. Пракаш. — Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик — турли давлатлар ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни бартаф этишлари мумкинлигини кўрсатувчи ажойиб намунадир. Совет Иттифоқи — жаҳондаги буюк давлатлардан бири бўлса, Ҳиндистон қўшимчасини ҳаракатида муҳим роль ўйнамоқда. Мамлакатларимиз бирлигида планетада тинчликни сақлаб қолиш, урушнинг олдини олиш учун кўп иш қилишлари мумкин.

Меҳмонлар Тошкентдаги 24-мактаб ўқувчи-қизларидан бир группасининг маҳоратига қойил қолдилар. Қизлар ҳинд тилида шеърлар ўқиб, машҳур ҳинд кинофильмларидан кишиларни кўриб эдилар. Учрашув охирида концерт қўйиб берилди. Концертда Ўзбек ва ҳинд қўшиқлари икки этилди. (ЎзТАГ мухбири).



Ф. ҚУРБОНБОВ, Қ. ОТАЕВ (ЎзТАГ) ва
В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12